

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

2022 №9

2011 йилдан чиқа бошлаган

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI
AХВОРОТНОМАСИ



ВЕСТНИК
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

Тошкент



Выпуск набран и сверстан на компьютерном издательском комплексе редакционно-издательского отдела Ташкентской медицинской академии

Начальник отдела: М. Н. Аслонов

Редактор русского текста: О.А. Козлова

Редактор узбекского текста: М.Г. Файзиева

Редактор английского текста: А.Х. Жураев

Компьютерная корректура: З.Т. Алюшева

Учредитель: Ташкентская медицинская академия

Издание зарегистрировано в Ташкентском Городском управлении печати и информации

Регистрационное свидетельство 02-00128

Журнал внесен в список, утвержденный приказом № 201/3 от 30 декабря 2013года

реестром ВАК в раздел медицинских наук

Рукописи, оформленные в соответствии с прилагаемыми правилами, просим направлять

по адресу: 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2,

Главный учебный корпус ТМА,

4-й этаж, комната 444.

Контактный телефон: 214 90 64

e-mail: rio-tma@mail.ru

rio@tma.uz

Формат 60x84 1/8. Усл. печ. л. 9,75.

Гарнитура «Cambria».

Тираж 150.

Цена договорная.

Отпечатано на ризографе редакционно-издательского отдела ТМА. 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2.

Вестник ТМА № 9, 2022

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Главный редактор

проф. А.К. Шадманов

Заместитель главного редактора

проф. О.Р.Тешаев

Ответственный секретарь

проф. Ф.Х.Иноятова

ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОЙ КОЛЛЕГИИ

акад. Аляви А.Л.

проф. Билалов Э.Н.

проф. Гадаев А.Г.

проф. Жае Вук Чои (Корея)

акад. Каримов Ш.И.

проф. Татьяна Силина (Украина)

акад. Курбанов Р.Д.

проф. Людмила Зуева (Россия)

проф. Метин Онерчи (Турция)

проф. Ми Юн (Корея)

акад. Назыров Ф.Г.

проф. Нажмутдинова Д.К.

проф. Саломова Ф.И.

проф. Саша Трескач (Германия)

проф. Шайхова Г.И.

Члены редакционноого совета

д.п.н. Абдуллаева Р.М. (Ташкент)

проф. Акилов Ф.О. (Ташкент)

проф. Аллаева М.Д. (Ташкент)

проф. Хамдамов Б.З. (Бухара)

проф. Ирискулов Б.У. (Ташкент)

проф. Каримов М.Ш. (Ташкент)

проф. Маматкулов Б.М. (Ташкент)

проф. Охунов А.О. (Ташкент)

проф. Парпиева Н.Н. (Ташкент)

проф. Рахимбаева Г.С. (Ташкент)

проф. Хамраев А.А. (Ташкент)

проф. Холматова Б.Т. (Ташкент)

проф. Шагазатова Б.Х. (Ташкент)

Herald TMA № 9, 2022

EDITORIAL BOARD

Editor in chief

prof. A.K. Shadmanov

Deputy Chief Editor

prof. O.R. Teshayev

Responsible secretary

prof. F.Kh. Inoyatova

EDITORIAL TEAM

academician Alyavi A.L.

prof. Bilalov E.N.

prof. Gadaev A.G.

prof. Jae Wook Choi (Korea)

academician Karimov Sh.I.

prof. Tatyana Silina (Ukraine)

academician Kurbanov R.D.

prof. Lyudmila Zueva (Russia)

prof. Metin Onerc (Turkey)

prof. Mee Yeun (Korea)

prof. Najmutdinova D.K.

prof. Salomova F.I.

prof. Sascha Treskatch (Germany)

prof. Shaykhova G.I.

EDITORIAL COUNCIL

DSc. Abdullaeva R.M.

prof. Akilov F.O. (Tashkent)

prof. Allaeva M.D. (Tashkent)

prof. Khamdamov B.Z. (Bukhara)

prof. Iriskulov B.U. (Tashkent)

prof. Karimov M.Sh. (Tashkent)

prof. Mamatkulov B.M. (Tashkent)

prof. Okhunov A.A. (Tashkent)

prof. Parpieva N.N. (Tashkent)

prof. Rakhimbaeva G.S. (Tashkent)

prof. Khamraev A.A. (Tashkent)

prof. Kholmatova B.T. (Tashkent)

prof. Shagazatova B.X. (Tashkent)

Journal edited and printed in the computer of Tashkent
Medical Academy editorial department

Editorial board of Tashkent Medical Academy

Head of the department: M.N. Aslonov

Russian language editor: O.A. Kozlova

Uzbek language editor: M.G. Fayzieva

English language editor: A.X. Juraev

Corrector: Z.T. Alyusheva

Organizer: Tashkent Medical Academy

Publication registered in editorial and information
department of Tashkent city

Registered certificate 02-00128

Journal approved and numbered under the order 201/3 from 30
of December 2013 in Medical Sciences department of SUPREME

ATTESTATION COMMISSION

COMPLETED MANUSCRIPTS PLEASE SEND following address:

2-Farobiy street, 4 floor room 444. Administration building of TMA.
Tashkent. 100109, Toshkent, ul. Farobi, 2, TMA bosh o'quv binosi,
4-qavat, 444-xona.

Contact number: 71- 214 90 64

e-mail: rio-tma@mail.ru. rio@tma.uz

Format 60x84 1/8. Usl. printer. I. 9.75.

Listening means «Cambria».

Circulation 150.

Negotiable price

Printed in TMA editorial and publisher department
risograph

2 Farobiy street, Tashkent, 100109.

СОДЕРЖАНИЕ

CONTENT

НОВЫЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ	NEW PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES	Стр.
Базарбаев М.И., Сайфуллаева Д.И., Латипова К.Д. ЦИФРОВАЯ МЕДИЦИНСКАЯ ЭКОСИСТЕМА: ГЕНЕЗИС И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ	Bazarbaev M.I., Saifullaeva D.I., Latipova K.D. DIGITAL MEDICAL ECOSYSTEM: GENESIS AND DEVELOPMENT PROSPECTS	9
Бобоева З.Н. ТИББИЙ ТАЪЛИМДА ТАЛАБАЛАРДА КРЕАТИВЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВОСИТАЛАРИ	Boboeva Z.N. MEANS OF DEVELOPING CREATIVITY IN STUDENTS IN MEDICAL EDUCATION	14
Рахимов Б.Т., Абдужаббарова У.М. ЗНАЧЕНИЕ ФИЗИЧЕСКИХ И БИОФИЗИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ ПРИ ИЗУЧЕНИИ МЕДИЦИНЫ	Rakhimov B.T., Abdujabbarova U.M. THE IMPORTANCE OF PHYSICAL AND BIOPHYSICAL PROCESSES IN THE STUDY OF MEDICINE	17
Убайдуллаева В.П. ФИЗИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ТУРЛИ ДАРАЖАДАГИ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВГА АСОСЛАНГАН ТАЪЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	Ubaydullayeva V.P. PECULIARITIES OF TEACHING BASED ON THE COMPETENCE-BASED APPROACH IN THE DEVELOPMENT OF DIFFERENT LEVELS OF COMPETENCE OF PHYSICS TEACHERS	20
Xalmuxamedov B.T., Nurillaeva N.M. TIBBIYOT UNIVERSITETLARI TALABALARIGA TELETIBBIYOT VA ELEKTRON POLIKLINIKA KO'NIKIMALARINI O'QITISH	Khalmukhamedov B.T., Nurillaeva N.M. TRAINING OF TELEMEDICINE AND ELECTRONIC POLYCLINIC SKILLS FOR MEDICAL UNIVERSITY STUDENTS	23
Xalmuxamedov B.T., Nurillaeva N.M. TIBBIY OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA TALABALARINING O'QUV JARAYONIGA TELETIBBIYOTNI KIRITISH AHAMIYATI VA JORIY ETISHNING XUSUSIYATLARI	Khalmukhamedov B.T., Nurillaeva N.M. FEATURES AND SIGNIFICANCE OF THE INTRODUCTION OF TELEMEDICINE IN THE LEARNING PROCESS OF MEDICAL UNIVERSITY STUDENTS	28

ОБЗОРЫ

REVIEWS

Стр.

Абдуллаева М.И., Иноятова Ф.Х., Муминова Г.А., Асланов М.Н. НЕЙРОДЕГЕНЕРАТИВ КАСАЛЛИКЛАРДА ИММУНКУЛУСНИНГ РОЛИ	Abdullaeva M.I., Muminova G.A., Aslanov M.N., Inoyatova F.Kh. THE ROLE OF IMMUNOCYTES IN NEURODEGENERATIVE DISEASES	33
Нурузова З.А., Шадманова Н.А., Ёдгорова Н.Т. ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ҚЎЗҒАТУВЧИЛАРИНИ МИКРОБИОЛОГИК ТАШХИСОТИДА ЗАМОНАВИЙ ПРЕСПЕКТИВ УСУЛЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ	Nuruzova Z.A., Shadmanova N.A., Yodgorova N.T. THE ROLE AND CAPABILITIES OF MODERN PROMISING METHODS IN THE MICROBIOLOGICAL DIAGNOSIS OF INFECTIOUS DISEASE CAUSATIVE AGENTS	40
Сабилова Р.А., Икромов А.Ш., Турсунов Д.Х. МОЛЕКУЛЯРНЫЕ И КЛЕТОЧНЫЕ МЕХАНИЗМЫ ДЕЙСТВИЯ СОРБЕНТОВ, ПРИМЕНЯЕМЫХ В МЕДИЦИНЕ	Sabirova R.A., Ikromov A.Sh., Tursunov D.Kh. MOLECULAR AND CELLULAR MECHANISMS OF ACTION OF SORBENTS USED IN MEDICINE	45

УДК: 378.147.227

ФИЗИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ТУРЛИ ДАРАЖАДАГИ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВГА АСОСЛАНГАН ТАЪЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Убайдуллаева В.П.

ОСОБЕННОСТИ ОБУЧЕНИЯ НА ОСНОВЕ КОМПЕТЕНТНОСТНОГО ПОДХОДА В РАЗВИТИИ РАЗНОГО УРОВНЯ КОМПЕТЕНТНОСТИ УЧИТЕЛЕЙ ФИЗИКИ

Убайдуллаева В.П.

PECULIARITIES OF TEACHING BASED ON THE COMPETENCE-BASED APPROACH IN THE DEVELOPMENT OF DIFFERENT LEVELS OF COMPETENCE OF PHYSICS TEACHERS

Ubaydullayeva V.P.

Тошкент тиббиёт академияси

Аннотация. В современной системе образования компетентный подход обеспечивает качество образования. По сути, управление качеством образования начинается с определения необходимых компетенций, которые необходимо освоить как результаты обучения в образовательном процессе. Компетентностный подход служит повышению активности педагогов. Важна в этом деятельность учителя.

Ключевые слова: компетенция, стратегия, предмет, классификатор, компетентность нестандартный, интеллектуал.

Annotation. In the modern education system, a competent approach ensures the quality of education. In fact, education quality management begins with the definition of the necessary competencies that need to be mastered as learning outcomes in the educational process. The competence-based approach serves to increase the activity of teachers. The activity of the teacher is important in this.

Key words: competence, strategy, subject, classifier, competent non-standard, intellectual.

Иқтисодиётдаги глобаллашув жараёнлари, ахборот жамиятининг шаклланиши, республикамиз таълим тизимларининг интеграцияси тизим олдида янада муҳим вазифаларни, жаҳон таълим тизими олдида ўз мавқеига эга бўлишни кўймоқда. Бу ўз навбатида компетенцияли ёндашувга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Россия таълимиди модернизация қилиш концепциясида таъкидланганидек ривожланиб бораётган жамиятга жавобгарликни ҳис этадиган, муаммоларни мустақил еча оладиган, уларнинг оқибати таҳлил қила оладиган, ҳамкорликка қодир, мобиллиги билан фарқланувчи, конструктив, мамлакат тақдири учун ўз кучини аямайдиган замонавий маълумотга эга, ахлоқий, ташаббускор инсонлар керак [1].

Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар таълим сифатининг юқори даражада бўлишини таъминлашга қаратилган бўлиб, ушбу йўналишда муваффақиятли белгилувчи асосий омиллардан бири физика ўқитувчиларининг замонавий билим, кўникма ва малакалари эгаллаганлиги ҳамда уларнинг турли даражадаги компетенцияларини шакллантириш жараёнини илмий тадқиқ қилиш ҳисобланади. Чунки, ижодкор, мустақил фикрловчи шахсларни тарбиялаш вазифалари аввало таълим тизимида амалга оширилади. Бу ўз ўрнида таълим тизимини тубдан

ислох қилишни тақозо этмоқда, чунки мукамал таълим тизими республикамизнинг келажакдаги интеллектуал имкониятларини ва ривожланишини белгилаб берувчи физика ўқитувчиларни ҳар томонлама ижодкор, мустақил фаолият юритадиган қилиб тарбиялашда ҳал қилувчи рол ўйнайди [2].

Бугун республикамиз таълим тизимида инновацион технологияларга асосланган таълим тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустақамлаш, ижтимоий фаол ва малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашни жаҳон андозалари даражасига чиқариш масалаларида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Таълим соҳасидаги сифат ўзгаришлари ва юқори самарадорлик уларнинг жаҳон таълим талаблари билан мослиги ва ўқитувчиларнинг ўзлаштирган компетенциялари қай даражада амалиётга татбиқ қилинаётганлигига боғлиқ.

Юқорида билдирилган фикрлар асосида физика ўқитувчиларида турли даражадаги компетенцияларни шакллантириш стратегиясини қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мумкин: физика ўқитувчилари эътиборини муаммони ечишда фойдаланадиган методнинг кенг қамровлигига қаратиш; ўқитувчиларда турли даражадаги компетенцияларни ривожлантиришни дарс мақсади сифатида эмас, балки дарсда қўйилган вазифани янада

самарали ҳал қилишга қаратилган янги йўл, имконият сифатида қаралиши; ўқитувчилар ўзлари мустақил хулоса чиқариб топадиган янги ғоялар ижодкорлик дарсларининг асосий маҳсули сифатида қаралиши; ахборотларни йиғиш, таҳлил ва талқин қилишни компетенцияларни ривожлантиришнинг муҳим жиҳати сифатида қаралиши.

Халқаро педагогик амалиётда ўқитувчиларда турли компетенцияларни ривожлантириш жараёнларини такомиллаштириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш механизмларини лойиҳалаштириш ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан илмий асослаш муҳим ҳисобланади. Бу давлат, жамият ва шахс эҳтиёжларининг ривожланиш даражаси билан ўқитувчиларда ушбу компетенцияларни ривожлантириш жараёнлари субъектларининг шахсий хислатлари ва касбий қобилиятларини ривожлантириш даражаси ва илмий-методик таъминот ўртасидаги номувофиқликни бар-тараф этиш билан боғлиқдир [3].

Ўқитувчиларда турли компетенцияларни ривожлантириш жараёнларини ташкил этишда илғор педагогик тажрибалар ва замонавий ўқитиш воситалари, энг самарали ҳисобланган методика ва методлар, компетенцияли ёндашувларни амалиётга татбиқ этиш зарур ҳисобланади.

Компетенцияли ёндашувга асосланган таълимнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у кишини ҳаётга, жумладан меҳнатга (касбга) тайёрлашни асосий мақсад қилиб олган тизимлашган, муддатли, расмий, тегишли билим, кўникма ва малакаларни бериш орқали уни муайян маҳорат, қобилият ёки лаёқат даражасига етказиш воситасидир. Шунинг учун ҳам барқарор ривожланиш учун таълим айнан тизимлашган таълим босқичларида кишини муайян бир компетентлик даражасига етказиш воситаси дейиш мумкин. Аксарият ривожланган мамлакатларда коллеж, бакалавр, магистр, фан докторини дипломи ёки унинг касбий классификатордаги шифрига қараб эмас, балки компетентлик даражасига қараб ишга олади [4].

Замонавий таълим тизимида компетенцияли ёндашув таълимнинг сифатини таъминлайди. Аслида, таълим сифатини бошқариш ўқув жараёнида таълим олиш натижалари сифатида ўзлаштирилиши зарур компетенцияларни аниқлаш билан бошланади. Компетенцияли ёндашув ўқитувчиларнинг фаоллигини оширишга хизмат қилади. Бунда ўқитувчи фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда компетенциявий ёндашувга алоҳида эътиборни қаратиш бугунги кунда долзарб бўлиб, у физика фани ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ривожлантиришда, янги ахборотларни талабаларга тушунарли ҳолда етказишларида, эгаллаган билимларини амалиётда қўллаш олишга ўргатишларида муҳим ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, ОТ-Млар таълимини замонавий ривожланиш талабларига мослаштириш физика фанидан электрон таълим ресурсларини такомиллаштириш, талабаларнинг электрон манбалар билан ишлаш фаолли-

гини таъминлаш, мустақил таълимни амалга ошириш ва ўз-ўзини баҳолаш, зарурий маълумотни тезкор излаб топиш ва юзага келадиган муаммоларни ҳал этишда ундан фойдаланиш компетенцияларини шакллантиришни назарда тутади. Ушбу ёндашувга асосланган давлат таълими стандартларини яратиш ва уларни таълим жараёнига татбиқ этиш муҳим ҳисобланади. Таълим мазмунини бойитишда амалдаги таълим стандарти ҳамда компетенциявий ёндашув асосидаги ёндашувлар тизимлаштирилди. Таълим тизимида замонавий педагогик технологияларни қўллаш орқали компетентли шахсни тарбиялаш, ўқитувчиларда турли даражадаги фанга оид компетенцияларни ривожлантириш таълим сифатини белгилайди. Бугунги кунда таълимда компетенцияли ёндашув, бу реал дунё шароитида амалий масалаларни қандай ечиш керак деган саволга жавобдир. Мазкур ёндашув билимлар аҳамиятини инкор қилмайди, балки у эгалланган билимлардан фойдаланиш қобилиятига эътибор қаратишга урғу беради. Ўқув жараёнига компетентциявий ёндашувни киритиш таълим мазмунини ўзгартиришда, ўқув жараёнини амалга оширишда, педагогнинг амалий ишларида жиддий ўзгаришларни талаб этади. Компетенцияли ёндашув: Нимага ўқитиш керак? тизимли фаолиятли ёндашув эса, Қандай ўқитиш керак? саволига жавобдир.

Бугунги кунда таълим компетенцияли ёндашув асосида ташкил этилмоқда. Бу жараёнда компетенцияларни жадал ривожлантириш учун мультимедияли воситалардан кенг фойдаланилмоқда. Компетенцияли ёндашувни амалиётга фаол татбиқ этиш учун ўқитувчилар билан давра суҳбатлари, конференция ва йиғинлардаги чиқишларида фикрмулоҳазалар, мунозаралар баён этилмоқда. Замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этилган мультимедияли дарсда таълим жараёнига компетенцияли ёндашув асосида таълимий мақсадларга эришиш кафолатланади. Компетенциявий ёндашув ўқитувчиларда билим, кўникма ва малакаларни алоҳида ривожлантиришни эмас, балки уларни комплекс равишда эгаллашни тақозо этади. Бу эса физика ўқитувчиларида ривожлантириладиган турли даражадаги компетенцияларни танлаш ҳамда уларни ривожлантириш методикаси билан боғлиқ. Республикамизда компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандарти талабларини ишлаш жараёни фанларга оид компетенцияларни танлаш, мос ҳолда таълим мазмунини такомиллаштирган ҳолда компетенцияларни ривожлантиришни дарс жараёнига киритиш учун уларни фаолият шаклида беришни назарда тутади. Мазкур компетенциялар ўқув режадаги барча фанлар мазмунига сингдирилади ва педагогик фаолиятда физика ўқитувчиларида турли даражадаги компетенциялар асосида ривожлантирилади. Компетенциявий ёндашувга асосланган физика таълимнинг асосий моҳияти физика ўқитувчиси томонидан ташкил қилинган ўқув жараёнида талабалар томонидан эгалланган билим, кўникма ва малака-

ларни ўз шахсий ҳаёти давомида, шунингдек, келгуси касбий ва ижтимоий фаолиятларида қўллаш олиш компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтириш саналади. Талабалар келгуси ҳаёти давомида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, ўқув жараёнида учрайдиган муаммоларнинг ечимини топиш, ўз соҳаси ва касби бўйича рақобатбардош бўлиши учун зарурий таянч компетенцияларга эга бўлиши лозим.

Компетенциявий ёндашувга асосланган физика таълими талабаларда билим, кўникма ва малакаларни алоҳида шакллантиришни эмас, балки уларни комплекс равишда эгаллашни тақозо этади. Бу эса талабаларда шакллантириладиган таянч ва фанга оид компетенцияларни танлаш ҳамда уларни ривожлантириш методикаси билан боғлиқдир. Мазкур ёндашув: талабаларни онгли равишда физика фанидан билим олишга тайёрлаш; талабаларнинг муштақиллик, иждоқорлик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик даражаларини ошириш; ностандарт вазиятларда олган билимларини қўллаш олиш каби тамойилларга асосланади. Шунинг учун ҳам, компетенциявий ёндашувга асосланган янги давлат таълим стандартида тиббиёт йўналишидаги ОТМларида физика фанини ўқитишнинг асосий мақсади: талабаларнинг мантиқий фикрлай олиш қобилиятини, шунингдек, таянч ва фанга оид умумий компетенцияларни шакллантириш ҳамда уларнинг олган билимларини амалиётга жорий қила олиш қобилиятини ривожлантириш каби талаблар билан бойитилиши лозим.

Адабиётлар:

1. Концепция модернизации российского образования на период до 2010 г. // Модернизация российского образования. Документы и материалы. - М.: Изд-во ВШЭ, 2002. -С. 263-282.

2. Иноятов У.И. Замоновий электрон дидактик воситаларни яратиш, таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаш долзарб ижтимоий-педагогик муаммо. Замоновий узлуксиз таълим муаммолари: инновация ва истиқболлар. Халқаро илмий конференция. – Тошкент:.. – 2018. – Б.3.

3. Турғунов С.Т. Педагогик жараёнларда ўқитувчилар рефлексив фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш. Замоновий узлуксиз таълим муаммолари: инновация ва истиқболлар. Халқаро илмий конференция. – Тошкент:.. – 2018. – Б.12.

4. Майбуров М. Высшее образование в развитых странах // Ж. Образование за рубежом. № 2, 2003.- С. 132-144.

5. Мавлянов А., ва б.қ. Ўқув машғулотларини замонавий ташкил этиш ва ўтказиш технологиялари. Монография. - Тошкент. - 2016. -111 б.

ФИЗИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ТУРЛИ ДАРАЖАДАГИ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВГА АСОСЛАНГАН ТАЪЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Убайдуллаева В.П.

Аннотация. *Замоновий таълим тизимида малакали ёндошув таълим сифатини таъминлайди. Аслида таълим сифатини бошқариш таълим жараёнида таълим натижаси сифатида ўзлаштирилиши зарур бўлган компетенцияларни белгилашдан бошланади. Компетенцияга асосланган ёндашув педагоглар фаоллигини оширишга хизмат қилади. Бунда ўқитувчининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга.*

Калит сўзлар: *компетенция, стратегия, фан, классификатор, ностандарт, компетентлик, интеллекттуал.*

